

БАҲОРГИ МУДДАТДА САБЗАВОТ ЛОВИЯСИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ УЧУН МАҚБУЛ ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Хасанов Абзор Пардаевич

таянч докторант (PhD),

Аманова Махфурат Эшмурадовна

қ.х.ф.д., профессор, ТошДАУ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15788849>

Аннотация. Илмий мақола баҳорги муддатда сабзавот ловиясидан юқори ҳосил етиштириш учун мақбул экиш муддатларини аниқлашга қаратилган. Тажриба давомида баҳорги муддатда сабзавот ловиясини йигирманчи мартда 5 та нав намуналари Золушка, Шахика, Томатная, Приусадебной ва Қора шахзода, назорат Маҳсулдор навига нисбатан таққосланган. Тажриба натижасига кўра баҳорги муддат(20.03)да сабзавот ловиясини етиштирганда Маҳсулдор (назорат)га нисбатан Шахикада, Приусадебной навлари энг юқори натижа кўрсатди.

Калит сўзлар: экиш, муддат, чин барг, андоза, уруғ, дуккак, техник, биологик, гул, вазн, ҳосилдорлик.

Республикаимизда аҳолининг озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари” тўғрисидаги 2008 йил 20 октябдаги 40-41-сонли фармонларида ва 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишларган маърузасида “Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш” ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтиришга катта этибор берилди. Бунда нафақат маҳсулот ҳажмини оширишга, балки, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва маҳсулот ассортиментларини кенгайтириш ҳам назарда тутилди.

Маълумки, ушбу кунга қадар Тошкент вилояти иқлим-шароитида сабзавот ловиясининг мақбул экиш муддатлари деярли ўрганилмаган. Биз, коллекциядан тадқиқотлар жараёнида истиқболли деб топилган Шахика, Томатная, Золушка ва андоза Маҳсулдор навларини 20.03.; 1.04.; 10.04. ва 20.04. саналарда экиб экиш муддатларининг ҳосилдорликка таъсирини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Сабзавот ловияси уруғлари 20 мартда 3,5 м² бўлмаларга 70x15 схемада ҳар бир уяга 2 дондан уруғлар экилди. Уруғлар тўла ундириб олингандан сўнг кўчатлар 3-4 чинбарг чиқарганда ҳар бир уяда 1 дондан кўчат қолдириб ягонalandи. Март ойида ҳаво ҳарорати тез ўзгарувчан бўлиб, тупроқ ҳарорати секин кўтарилиши ҳисобиган ловия уруғлари экилгандан сўнг (навларнинг биологик хусусиятига боғлиқ ҳолда) Маҳсулдор нави 13,3 кунда, Золушка 9,3 кунда, Шахика ва Томатная 9 кунда ва Приусадебной 8,7 кунда униб чиқди. Уруғларнинг тўлиқ униб чиқишидан ўсимликларнинг гулга кириш даври Маҳсулдорда 40,6 кун, Золушкада 34, кун, Шахикада 35,3 кун, Приусадебной 34,3 кун ва Томатная навида эса 34,6 кун давом этди.



1-расм. Сабзавот ловияси нав ва истиқболли намуналаринг экилган тажриба даласи (2023 йил).

Уруғларни тўлиқ униб чиққандан кейин дуккакларнинг техник етилишигача бўлган вақт Маҳсулдорда 53 кун, Золушкада 53, кун, Шахикада 47,3 кун, Приусадебной 47 кун ва Томатнаяда эса 48 эканлиги аниқланди. Ловия ўсимликлари тўлиқ гуллаш босқичига ўтгандан сунг 13-18 кун ўтганч дуккаклар техник етилиб улгуради. Айни шу вақтда улардан таомлар тайёрлаш ёки консервалаш мумкин бўлади. Бу пайтда дуккаклардаги уруғлар шакиллана бошлаган, бироқ донлар дуккак деворидан ҳали ажралмаган бўлади.

Тажриба даласида ўсимликларнинг гуллаш босқичидан уруғларнинг биологик пишиб етилишигача бўлган даврда ҳам навлар орасида сезиларли фарқлар кузатилди. Жумладан, андоза Маҳсулдор навида ушбу жараён 62 кун давом этган бўлса Золушкада 47 кун, Приусадебнойда 43 кун ва Томатнаяда эса 41 кун давом этганлиги қайд этилди.

Сабзавот ловияси уруғларини 20 мартда экилганда ўсув даврининг давомийлиги Маҳсулдорда 105 кун, Золушкада 83, кун, Шахикада 78,7 кун, Приусадебной 78,3 кун ва Томатнаяда эса 75,6 кунга тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Сабзавот ловияси уруғларини 20 мартда экилганда ўсув даври босқичларининг давомийлиги (2022-2024 й.й.)

Нав ва намуналар	Экиш-уруғларни тўлиқ униб чиқиши	Уруғ. тўлиқ униб чиқ.-ўсимликлар гулга кириши	Уруғ. тўлиқ униб чиқ.-дуккакларнинг техник етилиши	Гуллаш.бошлан.-уруғ. биологик етил.бошланиши	Уруғ. униб чиқиши-биологик етилиши
Маҳсулдор (ст).					
2022 йил	13	40	54	60	105
2023 йил	14	42	53	62	104
2024 йил	13	40	52	64	105

ўртача	13,3	40,6	53	62	105
Қора шахзода 0,1					
2022 йил	10	37	54	60	97
2023 йил	9	35	52	55	90
2024 йил	10	34	53	57	91
ўртача	9,6	35,3	53	54	92,6
Золушка					
2022 йил	9	35	54	49	88
2023 йил	9	35	52	45	80
2024 йил	10	34	53	47	81
ўртача	9,3	34,3	53	47	83
Шахика					
2022 йил	9	35	48	43	78
2023 йил	10	36	46	42	78
2024 йил	8	35	48	45	80
ўртача	9	35,3	47,3	43,3	78,7
Приусадебной					
2022 йил	9	35	48	41	76
2023 йил	9	34	47	46	80
2024 йил	8	34	45	45	79
ўртача	8,7	34,3	47	43	78,3
Томатная					
2022 йил	10	35	47	41	76
2023 йил	9	35	48	39	74
2024 йил	9	34	49	43	77
ўртача	9,3	34,6	48	41	75,6

Коллекциядан танлаб олинган намуналарнинг техник пишиб етилиши андоза Маҳсулдор навига нисбатан 5-6 кунга эрта содир бўлганлиги, уруғларнинг биологик пишиб етилиши учун эса кўпроқ вақт, 22-30 кун талаб этганли қайд этилди.

2-жадвал

Сабзавот ловияси навлари ҳосилдорлигига экиш муддатининг таъсири
(20 март)


№	Йиллар	1 Туп ўсим. Дуккак. сони (дона)	1 дона дуккак вазни (г)	1 Туп ўсим. Маҳсулд. (г)	ҳосилдо рлик т/га
Маҳсулдор ст					
1	2022 йил	12	4,2	50,4	4,7
2	2023 йил	10	4,3	43	4,1
3	2024 йил	13	4,3	55,9	5,3
	ўртача	11,7	4,26	49,8	4,7
Қора шахзода 0,1					

1	2022 йил	12	4,4	52,8	5,0
2	2023 йил	13	4,5	58,5	5,6
3	2024 йил	13	4,7	61,1	5,8
	ўртача	12	4,4	52,8	5,0
Золушка					
1	2022 йил	17	4,4	74,8	7,1
2	2023 йил	18	4,56	82,1	7,8
3	2024 йил	18	4,3	77,4	7,4
	ўртача	17,7	4,4	78,1	7,4
Шахика					
1	2022 йил	16,6	4,1	68,1	6,5
2	2023 йил	18	4,2	75,6	7,2
3	2024 йил	17	4,2	71,4	6,8
	ўртача	17,2	4,2	72,2	6,9
Приусадебной					
1	2022 йил	22	3,4	74,8	7,1
2	2023 йил	24	3,5	84	7,9
3	2024 йил	20	3,9	78	7,4
	ўртача	22	3,6	77	7,4
Томатная					
1	2022 йил	15	4,4	66	6,3
2	2023 йил	14	4,1	57,4	5,5
3	2024 йил	17	4,5	76,5	7,6
	ўртача	15,3	4,3	66,6	6,5

Сабзавот ловияси навларининг уруғларини эрта баҳорда (20.03.) эгганимизда битта ўсимликдаги дуккаклар сони Маҳсулдорда 11,7 дона, битта дуккакнинг вазни 4,26 г, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 49,8 г ташкил этган бўлса, Қора шахзода 0,1 битта ўсимликдаги дуккаклар сони 12 дона, дуккак вазни 4,4 г, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 52,8 г, Золушкада битта

ўсимликдаги дуккаклар сони 17,7 дона, бир дона дуккакнинг ўртача вазни 4,4 г, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 52,8 г, Шахикада битта ўсимликдаги дуккаклар сони 17,2 дона, бир дона дуккакнинг ўртача вазни 4,2 г, битта

ўсимлик маҳсулдорлиги 72,2 г, Приусадебной навида эса мос равишда 22 г, 3,6 г ва 77 г тенг бўлди. Россияниинг Томатная нави ҳам барча кўрсаткичлари бўйича ҳам андоза навга нисбатан устунликка эришганлигини кўриш мумкин (2.-жадвал).



2 - расм. Сабзавот ловияси навларининг 20.03. экилганда маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Ушбу коллекциядан ажратиб олинган навларнинг ҳосилдорлиги турлича бўлиб, андозага нисбатан 6-57 фоизгача юқори натижаларга эга бўлди (2-расм).

Ловия уруғлари март ойида экилганда тунда ҳароратнинг кескин пасайиши, кундуз кун ҳароратнинг кўтарилиши, уларнинг ўзаро фарқининг катталиги ва қиссқа муддатли салқин ҳаво таъсирида ўсимликлар секин ва нимжон ривожланганлиги, баргларнинг оч яшил тусга кириб қолганлиги қайд этилди. Ушбу сабаб далала кўчат сонини тўлиқ сақлаб қолиш мақсадида ягоналаш ишларини 4-6 та чинбарг чиқаргандан сўнг амалга оширишга тўғри келди.

Тадқиқот даласидаги ўсимликлар 5 апрелдан сўнг жадал ривожлана бошлагани кузатилди.

Хулоса.

- Сабзавот ловиялари уруғлари мартнинг учунчи декдасида экилганда уруғларининг тўлиқ униб чиқиши учун ўртача 10 кунни ташкил қилди.
- Уруғлар тўлиқ унуб чиққандан сўнг энг эрта гулга кирган Золушка, Приусадебной навлари 34 кунни ташкил қилиб назорат Махсулдор навига нисбатан 6 кун эрта гуллагани аниқланди.
- Уруғлар тўлиқ унуб чиққандан сўнг 35 кунда гулга кирган Шахика нави (47)назорат Махсулдор навига нисбатан 6 кун олдин техник пишиб етилди.
- Табиий иқлим омилларининг таъсирига қарамасдан Золушка ва Приусадебной(7.4 т) навлари бошқа навларга нисбатан 2.7 т юқори ҳосил берди.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Рустамов А.С., Аманова М.Э., Худойкулов Ж.Б. Яшил нўхат ва ясмиқ етиштириш бўйича тавсиянома. 2021 й.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри. 2020 йил.
3. Доспехов Б.А.-Методика полевого опыта. Изд. 5-М. Агропромиздат 1985. С.361.
4. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13985024>
5. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=jeNZ3CkAAA-AJ&citation_for_view=jeNZ3CkAAAAJ:IWHjjKOFINEC
6. <https://www.elibrary.ru/defaultx.asp>